

ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН Ш А Р Т Н О М А

Қарши тумани

№81579/2022

« 20 » июли 2022 йил

Қарши туман "OBOD YO'L QURILISH TA'MIR" MCHJ низоми асосида иш юритувчи рахбари И. Қулмирзаев, келгусида «БАЖАРУВЧИ» деб номланувчи бир томондан ҳамда иккинчи томондан Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси номидан ўз низоми асосида иш юритувчи рахбари Д. Даминов келгусида «БУЮРТМАЧИ» деб номланиб, қуйидагилар ҳақида шартнома туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Шартнома бўйича, «БУЮРТМАЧИ» томонидан Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида, "Энг яхши таклифни танлаш" усули орқали 2022 йилнинг 7 май кунда жойлаштирилган №22110012081579 лот рақамли эълон талабномаси натижасига кўра, шакллантирилган 2022 йил 16 майдаги электрон баённомасига асосан, «БАЖАРУВЧИ» томонидан қуйидаги ишларни бажарилишини белгилайди: **Қарши тумани Лаганди МФЙ ва Қорақучи МФЙ ҳудудидан ўтувчи 4Н285 йўли жорий таъмири бўйича Лойиха смета смета хужжатлари тайёрлаб бериш.**

2. Шартнома бўйича ишларнинг нархи.

2.1. Шартнома умумий баҳоси 29000000 (йигирма тўққиз миллион) сўм бўлиб, шундан ҚҚС 3782608.70 (уч миллион етти юз саксон икки минг олти юз саккиз сўм, 70 тийин) сўмни ташкил этади.

2.2. «БУЮРТМАЧИ» иш бошланишидан олдин бўнак (аванс) тариқасида ишнинг тўла нархидан 30% ни, ёки 8700000 (саккиз миллион етти юз минг) сўмлик маблағни «БАЖАРУВЧИ» га ўтказиш мажбуриятини олади.

2.3. «БАЖАРУВЧИ» томон «БУЮРТМАЧИ» билан тузилган нуқсонлар далолатномасига асосан лойиха смета хужжатларини 5 кунлик муддатда тайёрлаб беришни ўз химмасига олади.

3. Бажарувчининг мажбуриятлари.

3.1. Барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаради.

3.2. Лойиха хужжатларини қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли тартибда бажарилишини таъминлайди.

3.3. Ишларни қабул қилиш даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилади.

4. Буюртмачининг мажбуриятлари.

4.1. «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ»га лойиха-смета хужжатларини тайёрлаганлиги учун келишилган нархда тўловни амалга оширади.

4.2. Шартномада белгиланган муддатда ва тартибда бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва унинг қийматини «БАЖАРУВЧИ»га тўлайди.

5. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс-мажор).

5.1. Томонлар ўзларига боғлиқ бўлмаган бартараф этиб бўлмайдиган кучлар ёки фавқулотда ҳолатлар оқибатида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни бажара олмаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинадилар.

5.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтда мос равишда орқага сурилади. Форс-мажор ҳолати 3 ойдан ортиқ давом этадиган бўлса шартнома тарафларнинг бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Форс-мажор

ҳолати юз берганлиги ваколатли давлат органларининг маълумотномаси билан тасдиқланади.

6. Томонларнинг мажбуриятлари.

6.1. «БАЖАРУВЧИ» ишни ўз вақтида асоссиз бажармаса «БУЮРТМАЧИ»га ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4% миқдорида жарима тўлайди, лекин шартнома қийматининг 50% дан ортиб кетмаслиги лозим.

6.2. Ушбу шартномани 2.1-бандида кўзда тутилганлар бажарилмаган тақдирда «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ»га ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган маблағнинг 0,2% миқдорида жарима тўлайди, лекин жарима миқдори умумий маблағнинг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Неустойка (жарима, пеня) тўлаш томонларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

7. Шартномани бекор қилиш.

7.1. «БАЖАРУВЧИ»:

- Шартнома кучга киргандан кейин иш бошланиши «БУЮРТМАЧИ»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «БАЖАРУВЧИ» томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- Ишларни тугатишни мазкур шартномада белгиланган муддати «БАЖАРУВЧИ»нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, «БАЖАРУВЧИ» томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- «БАЖАРУВЧИ» томонидан шартнома шартларида кўрсатилган ишларни сифати пасайишига олиб келадиган даражада бўлмаганда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7.2. «БУЮРТМАЧИ»:

- Ишларнинг бажарилиши «БАЖАРУВЧИ»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «БУЮРТМАЧИ» томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- «БУЮРТМАЧИ» томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатлар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7.3. Мазкур шартномани бекор қилинишга қарор қилган томон мазкур бўлим қонунчилигига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

7.4. Шартнома тарафларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

7.5 Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8. Низоларни ҳал этиш тартиби.

8.1. Ушбу шартномани бажарилиши юзасидан келиб чиқадиган низоларни томонлар ўзаро келишув асосида ҳал қилиш учун барча чораларни кўрадилар.

8.2. Келиб чиққан низолар бўйича томонлар бир битимга кела олмаганлари тақдирда, ушбу низони Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳамда шартномада назарда тутилган бошқа тартибда жавобгар бўлади. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

9. Алоҳида шартлар.

9.1. Мазкур шартномага имзо чекилгандан кейин томонлар ўртасидаги мазкур шартномага дахлдор олдинги барча ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, музокаралар, агар улар мазкур шартномага зид келган тақдирда ўз кучини йўқотади.

9.2. «БАЖАРУВЧИ» бажарилган иш ҳужжатларини «БУЮРТМАЧИ»нинг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

9.3. Мазкур шартномага барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий деб ҳисобланади.

9.4. «БУЮРТМАЧИ» билан «БАЖАРУВЧИ» ўртасида мазкур шартномадан келиб чиқадиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати.

10.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади. Шартнома тегишли тартибда Ҳазначиликда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга кириб, “ 12 ” ноябр 2022 йилдан 31 декабрь 2022 йилгача амалда бўлади

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

11. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«БАЖАРУВЧИ»

Қарши туман "ОВОД YO'L QURILISH
TA'MIR" МСНУ

Манзили: Қарши тумани, Нукрабод қишлоғи
тел\факс: +99893 905 09 20.

Х/Р: 20208000504951013001.

Банк номи: КАРШИ ШАҲАР АТБ "КИШЛОК
ҚУРИЛИШ БАНК" ҚАШҚАДАРЁ МИНТАҚАВИЙ Ф-ЛИ
МФО: 00155. СТИР: 302174992.

ОКОНХ: 61110

Таъсисчи СТИР:

«БУЮРТМАЧИ»

Қарши тумани Ободонлаштириш
бошқармаси

Манзили: Қарши тумани, Бешкент шаҳри
тел\факс: _____

ШХР: 401722860102247045204110005.

МФО: 00014. Тошкент шаҳар Марказий банк
ХККМ. СТИР: 206808289.

ОКОНХ: 90211.

Ҳазначилик: Ўз. Рес. Молия Вазирлиги

Ҳазначилиги СТИРи: 201122919.

Ягона ғазна Х/Р: 23402000300100001010.

Рахбар: Қулмирзаев Исоқ Узоқович

Рахбар: Даминов Диёр

(имзо)

(имзо)

М.У

ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури **Хизмат кўрсатиш**

2. Лойиҳанинг номи

"OBOD YO'L QURILISH TA'MIR" MCHJ томонидан Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида, "Энг яхши таклифни танлаш" усули орқали ғолиб деб топилиб, Қарши тумани Лаганди МФЙ ва Қорақучи МФЙ ҳудудидан ўтувчи 4Н285 йўли жорий таъмири бўйича 29000000 (йигирма тўққиз миллион) сўмга лойиҳа смета смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш шартнома лойиҳаси

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот

Қарши халқ таълими бўлими томонидан лойиҳа 2022 йил 19 майда киритилган.

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларига асосан ишлаб чиқилган ва ушбу лойиҳани тасдиқлаш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблайман

Марказ бош юрисконсульти
2022 йил «19» май

Ш.Кушоков



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 81579 на приобретение Қарши тумани
Лаганди МФЙ ва Қорақучи МФЙ худудидан ўтувчи 4Н285 йўли жорий таъмири бўйича
Лойиха смета ва экспертиза хулосаларини тайёрлаш**

Способ проведения электронный

Дата 16.05.2022

Время рассмотрения 16.05.2022 18:40

Конкурсная комиссия Туман ободонлаштириш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XUDOYNABAROV ILXOMJON KIYOSOVICH	Механик	Қарши тумани Ободонлаштириш бошкармаси
Секретарь комиссии	FAYZIYEV FURQAT SATTOROVICH	Иш юритувчи	Қарши тумани Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	HASANOV ILHOM MURTOZOVICH	Ободонлаштириш бошкармаси Инфратузилма объектларидан фойдаланиш булими бошлиги	Қарши тумани Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	ISLOMOV ILXOM QIYOMOVICH	Ободонлаштириш бошкармаси Тех назоратчиси	Қарши тумани Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	TURSUNOV MATYOQUB XUDOYOROVICH	Ободонлаштириш объектларини саклаш булими бошлиги	Қарши тумани Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	SHERBOYEV OLIM SHUXRATOVICH	Ободонлаштириш бош армаси Техника хавфсизлиги мухандиси	Қарши тумани Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.05.2022 года № лота 81579.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 75.00 / Весовой коэф. ценовой части: 25.00)

Мин. балл: 56

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Қарши тумани Лаганди МФЙ ва Қорақучи МФЙ худудидан ўтувчи 4 Н285 йўли жорий таъмири бўйича Лойиха смета ва экспертиза хулосаларини тайёрлаш.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	30 000 000.00
Стартовая сумма	30 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси. Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Охириги 3 йил давомида бажарилган ишлари бўйича маълумотлар. Шунингдек аввалги шартномалар бўйича тегишли буюртмачилар томонидан ижобий тавсияномалар, ёки ҳулосалар. Жорий танлаш объектини жойида ўрганилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (махалла ва қишлоқлар мутасадди вакилларида олинган маълумотнома ва бошқа ҳужжатлар)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XIMTEX-INVEST-KARSHI MCHJ	28	бор	18	Экспертная		
OBOD YO'L QURILISH TA'MIR MCHJ	28	Иш тажрибаси	27	Экспертная		
NAKHSAB DESIGNER MCHJ	28	30000000	24	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчиси томонидан, танловда иштирок этишини таъминлайдиган малака ҳужжатлари мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлашда иштирок этиши учун малака ҳужжатлари (Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза, танлаш предмети бўйича таклиф, Молиявий ҳисоботлар, иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, кафолат хати, харид комиссияси раиси номига ёзилган Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XIMTEX-INVEST-KARSHI MCHJ	15	бор	2	Экспертная		
OBOD YO'L QURILISH TA'MIR MCHJ	15	Малака ҳужжатлари	14	Экспертная		
NAKHSAB DESIGNER MCHJ	15	30000000	5	Экспертная		

Критерий №3 Танлаш таклифининг қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закат ёки банк кафолатининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатишини асословчи танлов предмети бўйича тегишли банк муассасасидани кафолат хати тақдим этилиши лозим. Шунингдек талабгор ташкилотнинг банк ҳисоб рақамида танлов предметининг кмида 20% миқдорида маблағлар қолдиғи бўлиши. Агар ушбу талаб бўйича маълумотлар тўлиқ ва сифатли бўлмаган тақдирда, комиссия таркиби томонидан иштирокчи таклифи рад этилиши, ёки қисман баҳоланиши мумкин

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XIMTEX-INVEST-	22	бор	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
KARSHI MCHJ						
OBOD YO'L QURILISH TA'MIR MCHJ	22	Банк ва солик маълумотлари	20	Экспертная		
NAKHSAB DESIGNER MCHJ	22	30000000	17	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Ходимлар сони ва тажрибаси тугрисида маълумотлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XIMTEX-INVEST-KARSHI MCHJ	7	мавжуд	3	Экспертная		
OBOD YO'L QURILISH TA'MIR MCHJ	7	Ходимлар тугрисидаги маълумотлар	7	Экспертная		
NAKHSAB DESIGNER MCHJ	7	30000000	7	Экспертная		

Критерий №5 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Низом ва фаолият турига оид гувоҳнома, ёки лицензия, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари. СТИР ракамлари. Статистик маълумотлар. Бошқа мавжуд хужжатлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XIMTEX-INVEST-KARSHI MCHJ	8	бор	8	Экспертная		
OBOD YO'L QURILISH TA'MIR MCHJ	8	Умумий маълумотлар	8	Экспертная		
NAKHSAB DESIGNER MCHJ	8	30000000	8	Экспертная		

Критерий №6 Танлов иштирокчисининг салоҳияти

Тип: Текстовое значение

Описание: Тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги. Хисоб рақамидаги маблағлар қолдиғи. Солиқ, банк кредитлари ва бошқа туловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XIMTEX-INVEST-KARSHI MCHJ	20	бор	3	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OBOD YO'L QURILISH TA'MIR MCHJ	20	Ташкилот салохияти	18	Экспертная		
NAKHSAB DESIGNER MCHJ	20	30000000	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
XIMTEX-INVEST-KARSHI MCHJ	30 000 000.00	25 000 000.00	14.05.2022 11:40:07	
NAKHSAB DESIGNER MCHJ	30 000 000.00	30 000 000.00	14.05.2022 17:05:52	24.17
OBOD YO'L QURILISH TA'MIR MCHJ	30 000 000.00	29 000 000.00	14.05.2022 15:08:38	25.00

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
XIMTEX-INVEST-KARSHI MCHJ	33		33
NAKHSAB DESIGNER MCHJ	57	24.17	81.17
OBOD YO'L QURILISH TA'MIR MCHJ	70.5	25	95.5

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 81579 от 16.05.2022 года на приобретение Қарши тумани Лаганди МФЙ ва Қорақучи МФЙ худудидан ўтувчи 4Н285 йўли жорий таъмири бўйича Лойиха смета ва экспертиза хулосаларини тайёрлаш определила победителем:

OBOD YO'L QURILISH TA'MIR MCHJ
302174992

и резервный исполнитель: NAKHSAB DESIGNER MCHJ (205761650)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	ISLOMOV ILXOM QIYOMOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	XUDOYNAZAROV ILXOMJON KIYOSOVICH	Согласен	
Член комиссии	TURSUNOV MATYOQUB XUDOYOROVICH	Согласен	
Член комиссии	HASANOV ILHOM MURTOZOVICH	Согласен	
Член комиссии	SHERBOYEV OLIM SHUXRATOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП